

1	<p>“Қуюв-прокат мажмуасини куриш” инвестиция лойиҳаси</p>	<p>Лойиҳанинг қуввати: Йилига 1,04 млн тонна иссиқ ҳолда прокатланган лист ўрамларини ишлаб чиқариш ва “Ўзметкомбинат” АЖнинг йиллик ишлаб чиқариш қувватини икки баробарга ошириш имконини беради.</p> <p>Ўрамларнинг асосий кўрсаткичлари:</p> <table><tbody><tr><td>• Қалинлиги (мм)</td><td>1,4-12,0</td></tr><tr><td>• Кенглиги (мм)</td><td>800-1 300</td></tr><tr><td>• Ўрамнинг ички диаметри (мм)</td><td>762</td></tr><tr><td>• Ўрамнинг ташқи диаметри (мм)</td><td>2 100 гача</td></tr><tr><td>• Ўрамнинг оғирлиги (тн)</td><td>30 гача</td></tr></tbody></table> <p>Лойиҳа импорт ўринини босиш мақсадида амалга оширилмоқда. Ички бозорда прогноз қилинаётган сотиш ҳажми умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 90% ёки 936,0 минг тоннани, шу жумладан "Тошкент металлургия заводи" МЧЖ қўшма корхонаси 538,0 минг тонна совуқ ҳолда прокатланган қопламали ўрамларни ишлаб чиқариш учун. Кўшни давлатларга экспорт савдоси 10% ёки 104,0 минг тонна миқдорида режалаштирилган.</p> <p>Лойиҳа қиймати: 799,7 млн. Доллар.</p> <p>Хорижий ҳамкор: Мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида технологик ускуналарни етказиб бериш учун <u>“Danieli”</u> (Италия) компаниялар грухси билан жами қиймати 349 млн евролик ва қурилиш ишлари учун <u>“Ronesans Avrasya”</u> (Туркия) компанияси билан 170,0 млн евролик шартномалар имзоланган.</p> <p>Бугунги кунда лойиҳа доирасида асосий асбоб-ускуналар етказиб бериш ва монтаж қилиш ишлари умумий 82 фоизга бажарилди, шу билан бирга қурилиш-монтаж ишлари 65 фоизга якунланди. Лойиҳа жорий йилнинг декабрь ойида ишга туширилиши қутилмоқда.</p> <p>Лойиҳа 1295 кишини иш билан таъминлаш билан янги иш ўринлари яратади.</p>	• Қалинлиги (мм)	1,4-12,0	• Кенглиги (мм)	800-1 300	• Ўрамнинг ички диаметри (мм)	762	• Ўрамнинг ташқи диаметри (мм)	2 100 гача	• Ўрамнинг оғирлиги (тн)	30 гача
• Қалинлиги (мм)	1,4-12,0											
• Кенглиги (мм)	800-1 300											
• Ўрамнинг ички диаметри (мм)	762											
• Ўрамнинг ташқи диаметри (мм)	2 100 гача											
• Ўрамнинг оғирлиги (тн)	30 гача											

	<p>Лойиха қуидаги муаммоларни ҳал қилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Юқори құшымча қийматтаға эга импорт үрнини босувчи бўлган иссиқ ҳолда прокатланган лист ўрамларини маҳсулотларининг янги турини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиши; • Иссиқ ҳолда прокатланган лист ўрамларини ва сувук ҳолда прокатланган лист ўрамларига бўлган ички бозор эҳтиёжларини қондириш; • Ўзбекистон Республикасининг саноат салоҳиятини ошириш саноатнинг фаол ривожланиши туфайли, иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириши мумкин. • Корхонанинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг номенклатурасини ошириш; • Тайёр маҳсулотни сотиш натижасида республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш; • Лойихани эксплуатация ва монтаж қилиш ва жараёнида янги иш ўринларини яратиш; • Лойиха бўйича қурилиш кўлами ихтисослашган корхоналарни бир неча йил давомида ишлаб чиқариш буюртмаларини таъминлайди; • Мехнатнинг таълим ва малака даражасини ошириш, малакасиз меҳнатни кўллаш кўлами камаяди. • Ходимларга касбий ва малака талабларини ошириш, касб-хунар таълими тизимини ривожлантиришга ундайди; • Лойиха мінтақасида, солик тушумларининг ўсиши. • Импорт үрнини босиши ва металл буюмлар импорти бўйича Ўзбекистоннинг металлургия саноатининг қарамлигини камайтириш орқали хорижий валюта ресурсларининг чиқиб кетишини камайтириш. • Бекобод шахри ва Республика миқиёсида янги йўллар ва темир йўлларга кириш йўлларини қайта қуриш, реконструкция қилиш ва қурилиш йўлларини қайта
--	--

		<p>қуриш, шунингдек қўшимча электр таъминотининг ишоотларини қуриш ҳисобига такомиллаштириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> Замонавий ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш, экологик технологияларни жорий этиш туфайли экологик вазиятни такомиллаштириш.
2	<p>Темир таркибли маҳсулот (ГБЖ/ПВЖ) улушининг 100% гача ошириш билан ДСП-100УМК модернизация қилиш лойиҳаси</p>	<p>Лойиҳанинг қуввати: йиллик 950,0 минг тонна пўлат қўймалари.</p> <p>Лойиҳа қиймати: 60,0 млн. евро.</p> <p>Хорижий ҳамкор: Аниқланмоқда.</p> <p>Жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, “Ўзметкомбинат” АЖ.</p> <p>Хомашё базаси: “Тебинбулоқ” темир кони рудаларини кайта ишлаш ҳисобига ишлаб чиқариладиган темир таркибли маҳсулот (ПВЖ/DRI) ва иссиқ ҳолда брикетланган темир (ГБЖ).</p> <p>Яратиладиган иш ўрни: 30 та.</p> <p>Лойиҳани бўйича қўйдаги ишларни амалга оширишлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> Амалдаги ДСП-100УМК печини модернизация қилиш; Амалдаги узлуксиз пўлат қўйиш машинасини модернизация қилиш; Ёрдамчи воситалар, ускуналар ва тизимлар Янги газ тозалаш ускунаси Янги сув тозалаш станцияси Майда хомашё ва маҳсулотларни ташиш тизими
3	<p>Золдир прокатлаш цехи қувватини 400 минг тоннага етказиш лойиҳаси</p>	<p>Лойиҳанинг қуввати: йиллик 400,0 минг тонна пўлат золдирлари.</p> <p>Лойиҳа қиймати: 6,0 млн. евро.</p> <p>Хорижий ҳамкор: Аниқланмоқда.</p> <p>Жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, “Ўзметкомбинат” АЖ.</p> <p>Хомашё базаси: “Ўзметкомбинат” АЖ электрда эритиш цехининг пўлат қўймалари.</p> <p>Яратиладиган иш ўрни: 10 та.</p>

4	Оҳактошни кўмир ёрдамида куйдириш ҳамда оҳак ишлаб чиқаришни ошириш лойиҳаси	<p>Лойиҳанинг қуввати: йиллик 200,0 минг тонна юқори активликка эга (92%) куйдирилган оҳак.</p> <p>Лойиҳа қиймати: 15,0 млн. евро.</p> <p>Хорижий ҳамкор: Ercanlar Matbaacilik Ambalaj San. Tic. LTD (Туркия).</p> <p>Жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, “Ўзметкомбинат” АЖ.</p> <p>Хомашё базаси: Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд оҳактош конлари.</p> <p>Куйдириш учун иссиқлик манбаи: кўмир.</p> <p>Маҳсулот параметрлари: 20-40 мм фракцияда.</p> <p>Лойиҳани бўйича қуидаги ишларни амалга ошириш керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Шахталик оҳак куйдириш печи; • Майдалаш ва саралаш ускунаси; • Газ тозалаш ускунаси; • Лаборатория; • Ёрдамчи воситалар, ускуналар ва тизимлар; • Ўлчаш ва қабул қилиш учун конвеерлар тизими;
5	Иссиқ пўлат шлакини қайта ишлаш лойиҳаси	<p>Лойиҳа қиймати: 15,0 млн. евро.</p> <p>Хорижий ҳамкор: PRO FARRO МЧЖ ҚҚ.</p> <p>Жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, “Ўзметкомбинат” АЖ.</p> <p>Хомашё базаси: “Ўзметкомбинат” АЖ ишлаб чиқариш жараёнидан ҳосил бўладиган иссиқ пўлат шлаклари.</p> <p>Лойиҳани амалга ошириш натижасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Комбинатнинг экологик вазиятини яхшилаш;

		<ul style="list-style-type: none"> Йилига 36,5 мингдан 68,6 минг тоннгача темир парчалари (скрап) йетказиш; Йилига 360,0 минг тонна қайта ишланган шлакни цемент ишлаб чиқаришга жалб қилиш
6	“Дауташ” кони марганец рудаларини бойитиш ва марганец махсулотларини етказиб бериш лойиҳаси	<p>Лойиҳанинг қуввати: йиллик 72,0 минг тонна маргенең бойитмаси билан таъминлаш.</p> <p>Лойиҳа қиймати: 10,0 млн. евро.</p> <p>Хорижий ҳамкор: ALPHA MINING GROUP ASIA МЧЖ таъсисчилари</p> <p>Жойлашган манзили: Қашқадарье вилояти.</p> <p>Хомашё базаси: Дауташ кони захираларидан қазиб олинадиган марганец маъдани.</p> <p>Лойиҳани амалга ошириш афзалликлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> Лойиҳа 10 йил муддатга амалга оширилиши қўзда тутилган ва ушбу муддат якунлангандан сўнг технологик асбоб - ускуналар “Ўзметкомбинат” АЖ тасарруфига ўтиши режалаштирилган. Таклиф этилаётган лойиҳанинг хорижий ёки махаллий тажрибадан ўтган, лойиҳа доирасида марганец рудасини чукур бойитиш мақсадида гравитацион, магнит ва флотацион бойитиш усулларидан фойдаланиш таклиф этилган. Лойиҳа ташаббускори марганец рудаларини қайта ишлашни бошқарувида илғор тажрибага ва етук мутахассисларга (шу жумладан Украина ва Хитой мутахассислари) эга.